ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Азиз қашқадарёликлар!

Пахта тайёрлаш йиллик режасини ўз вақтида адо этиб, республика хирмонига салмоқли ҳисса қўшганингиз билан чин кўнгилдан табриклайман!

Ҳар қарич ери бебаҳо хазина бўлган Қашқадарё воҳасининг ўзига хос табиати, иқлим шароити яхши маълум. Бунинг устига эндигина ўсиб чиққан ғўза баҳорги дўл ва жаладан қаттиқ талофат кўрди. Шунга қарамай, мўл ҳосил етиштириш, ибрат кўрсатиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Сабр-бардошли, иродаси мустаҳкам, эътиқоди баланд инсонларгина бундай юмушларнинг уддасидан чиқади. Сизлар бобокалонимизга хос меҳнатсеварлик, лафзи ҳалоллик ва мардлик каби фазилатларни намоён этиб, республика бўйича энг кўп — 420 минг тонналик хирмон кўтардингиз. Халқона айтганда, эр кишиларнинг ишини қилдингиз.

Бу ғалаба яна шундан далолатки, одамлар астойдил меҳнат қилинса, рўзғор тўкин, мамлакат фаровон бўлишини тўғри идрок этмоқдалар. Улар онгида янгича қарашлар, моддий манфаатдорлик, ерга, юртга эгалик ҳиссси тобора чуқур шаклланиб бормоқда. Ислоҳотлар моҳияти ҳам аслида ана шундан иборат. Бошқарувнинг қуйи бўғинидан юқорисигача тартиб-интизом, ҳалоллик қарор топса, агротехника қоидаларига қатъий амал қилинса, деҳқон меҳнатига яраша даромад олса, омбор ҳам ғаллага тўлади, пахта ҳам мўл бўлади. Буни сиз, қашқадарёлик деҳқонлар амалда исбот этдингиз.

Қадрдон дўстларим!

Ҳаётимнинг бир қисми Қашқадарёда ўтгани, танти феълингизни билганим учун бу саховатли заминга ҳамиша фарзандлик меҳри билан қарайман. Бугун барчангизни бағримга босиб, меҳнат зафарингиз билан яна бир бор муборакбод этаман.

Сизларга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилайман! Буюк аждодларимиз руҳи-поклари доим мададкор бўлсин! Оллоҳ ўз паноҳида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Азиз дўстлар!
Юртдошлар!

Пахта етиштириш борасида эришган муваффақиятингиз билан чин дилдан қутлайман. Сизлар кўтарган 250 минг тонналик хирмон бу йил ҳар қачонгидан кўра фидокорона меҳнат қилганингиздан далолат. Сиз эришган марра нафақат моддий, авваламбор катта маънавий аҳамиятга эгадир. Шу боис сизнинг бугунги ютуғингиз айниқса қадрлидир.

Негаки, гуллаб-яшнаган бу муборак заминда қадим замонлардан юксак деҳқончилик маданияти қарор топган. Сизлар қўлга киритган бугунги муваффақият замирида ота-боболаримиз яратган бой анъаналарга таяниб иш юритиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, одамларнинг руҳини кўтариш, замонавий техника ва технологиядан оқилона фойдаланиш, энг муҳими, ерга меҳр қўйиш, унга нисбатан эгалик туйғусини чуқур ҳис этиш каби фазилатлар мужассам.

Ҳаётга муносабат ўзгариб, янгича тафаккур шаклланаётгани туфайли вилоятда деҳқон меҳнати ва ислоҳотлар ўзининг самараларини бермоқда. Буни қарзга эмас, даромад ҳисобига яшашни одат қилган илғор Пахтачи тумани меҳнаткашлари мисолида яққол кўриш мумкин. Уларнинг ташаббус, изланиш ва тадбиркорликка асосланган иш тажрибаси нафақат вилоят, балки бутун мамлакатда оммалаштиришга муносиб.

Яна бир фикрни катта мамнуният билан сиз азизларга бидирмоқчиман. Қандай оғир кунлар, инжиқ мавсумлар деҳқонлар бошига тушган бўлса ҳам, қандай мураккаб синовлардан ўтган бўлсак ҳам мен ҳеч қачон ўз туғилган ва вояга етган эл-юртимга, унинг буюк имкониятларига ва келажагига меҳримни-ишончимни дариғ тутганим йўқ.

Қадрли ҳамюртларим!

Сизлар бугун юксак маррани эгаллаб, барчамизни мамнун этдингиз. Меҳнат зафарингиз яна бир бор муборак бўлсин. У ҳар бирингизнинг дастурхонингизга қутбарака олиб келсин, янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантириб турсин. Барчангизга тинчлик-омонлик, эзгу ишларингизда омад тилайман. Яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ғ. Қ. ТИШАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ — ҚЎМОНДОНИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ғафуржон Қодирович Тишаев Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари бош бошқармаси бошлиғи — қўмондони этиб тайинлансин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 3 ноябрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 4 ноябрь, сешанба № 129 (22.212).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***«Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра, Исломободда толиблар ва Афғонистон муҳолифати ўртасида ҳарбий асирларни алмаштириш бўйича музокаралар бошлаб юборилди. Ушбу тадбирлар ҳақидаги масалаларни Покистондаги афғон муҳолифати вакили Маулви Туркистоний Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий вакиллари билан муҳокама қилди. Бир кун аввал эса у «Толибон» ҳаракатининг Исломободдаги элчиси Маулви Шаҳобиддин Диловареа муҳолифат ҳибсхоналарида ётган учта таниқли дала қўмондони билан биргаликдаги 224 толибнинг рўйхатини берди. Туркистонийнинг айтишига кўра, генерал Абдул Рашид Дўстум ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз толибонларнинг аскар ва зобитларини Кандаҳор ва Ҳирот ҳибсхоналарида ётган ўз аскар ва зобитларига алмаштиришга тайёр эканлигини билдирди. Туркистонийнинг тан олишича, Дўстумнинг бу қарори муҳолифатда озиқ-овқат ва дори-дармон етишмаётгани билан боғлиқдир. У бир ҳафта аввал худди шу боис 120 толибни асирликдан озод этганди. Ҳозирча сўнгги музокараларнинг натижаси номаълум. Диловарнинг журналистларга айтишига кўра, Дўстумнинг рўйхатида бўлган асирларни озод қилиш ҳақидаги сўнгги қарорни чиқариш Қобулдагиларга ҳавола.***

* * *

☑ ***Бугун АҚШнинг Хьюстон шаҳрида Каспий денгизининг Туркманистон қисмидаги нефть ва газ конларини ўзлаштириш бўйича халқаро тендернинг тақдимоти бўлади. Ушбу воқеа арафасида кеча матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Сентябрь ойида Вена ва Лондон шаҳарларида ҳам халқаро тақдимот маросими бўлган эди. Тахмин қилинганидек, 3 ноябрдан 6 ноябргача Туркманистон делегацияси турли компанияларнинг вакиллари билан музокаралар юритади. Делегация таркибида нефть ва газ қазиб олиш ҳамда молия соҳаларига раҳбарлик қилувчи бош вазирнинг икки ўринбосари бор. Музокаралар чоғида хорижий сармояларни Туркманистонга жалб этиш ва маҳсулотни ташиб кетиш масалалари муҳокама қилинади.***

* * *

☑ ***3-6 ноябрь кунлари Ашгабатда МДҲ мамлакатлари туризм бўйича кенгашининг мажлиси бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишдан асосий мақсад — халқаро туризмни ривожлантириш, ушбу соҳага хорижий сармояларни кенгроқ жалб этиш масалаларини муҳокама қилишдир. Бундан ташқари Ашгабатда бирлашган туризм университетини ташкил этиш ҳамда «МДҲда туризм ва спорт» журнали таҳририятини тасдиқлаш кутилмоқда.***

* * *

☑ ***Кеча Вашингтонда Исроил-Фаластин музокаралари бошланди. Исроил делегациясига ташқи ишлар вазири Давид Леви, Фаластин делегациясига Фаластин давлатининг иккинчи раҳбари Маҳмуд Аббос раҳбарлик қилмоқда.***

* * *

☑ ***Европа комиссиясининг Президенти Жак Сантернинг Болтиқбўйи мамлакатлари бўйлаб сафари Латвияга ташрифдан бошланди. У Латвия, Литва ва Эстония раҳбарлари билан ушбу республикаларнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши истиқболлари ҳақида музокаралар олиб боради.***

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 ноябрь куни АҚШ давлат котибининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШда Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалалари билан шуғулланадиган алоҳида янги гуруҳ ташкил этилаётганидан мамнуният билдириб, С. Сестановичнинг ташрифи ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилажагини таъкидлади.

— Биз сизни нафақат АҚШ расмий доираларининг вакили, балки Ўзбекистон-Америка қўшма комиссиясининг раҳбари деб ҳам биламиз, — деди Ислом Каримов. — Давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа масалаларни мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган мазкур комиссиянинг тузилиши ўзаро муносабатлардаги ижобий қадамдир.

С. Сестанович икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ишига ҳисса қўшаётганидан мамнуният изҳор этиб, самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари, хусусан, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Х. Турсунов иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Жозеф Лимпрехт ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Тошкент метрополитени қурилишида, лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланишда алоҳида намуна кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришгани, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги хизматлари, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Зикир — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг пардозчилар бригадаси бошлиғи

Маҳамедов Ҳамид — Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» электродепоси бошлиғи

Ҳамроев Рафиқ — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси 2-тоннел отрядининг 5-участкаси механиги

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бакарас Валентина Михайловна — Тошкент метрополитени ҳаракат хизмати поезд диспетчери

Гулаков Николай Егорович — Тошкент метрополитени электр таъминоти хизмати кабель тармоқлари ва ёритиш дистанцияси бошлиғи

Ишмуҳаметов Рафаэл Абдулович — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси 2-тоннел отрядининг комплекс бригадаси бошлиғи

Павленко Владимир Васильевич — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси автобазаси ҳайдовчиси

Саифов Аҳматжон Махсаджаевич — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш-технологик бутлаш бошқармаси ишчиси

Симонов Петр Иванович — «Тошметролойиҳа» жамоа корхонасининг ташкил этиш ва механизациялаш бўлими бошлиғи

Тахтарова Тамара Федоровна — Тошкент метрополитени электромеханиги

Шоабдураҳимов Шоиноят — Тошкент метрополитени бошлиғининг маслаҳатчиси

II-ДАРАЖА «ШОНШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Шодиев Кутлибой — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси метрополитенни қўриқлаш бўйича ички ишлар бўлими навбатчи қисмининг катта инспектори

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Маназаров Мирзаназар Тўхтаназарович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси метрополитенни қўриқлаш бўйича ички ишлар бўлимининг бўлинмаси командири

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Котомцев Петр Александрович — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси механизациялаш бошқармасининг экскаватор машинисти

Прусс Леонид Павлович — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бошлиғи

Расулзода Элхон Искандар ўғли — Тошкент метрополитени катта электр механиги

Тамбовцев Анатолий Дементьевич — Тошкент метрополитени устаси

ва қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Жаилаев Омонгелди Оқиловичга — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси 2-қурилиш-монтаж бошқармаси проходкачиси

Жданов Владимир Николаевичга — «Ўзбектранскурилиш» давлат уюшмасининг «Тошметрокурилиш» қурилиш бошқармаси — Тошкент метрополитени қурилиши бошқармасининг бош муҳандиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Йўлдошев Асқар Кўчқоровичга — Тошкент метрополитени электр поезди машинисти

ШУНИНГДЕК ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Абдувосиқов Абдурасул Ҳасанович — «Тошметролойиҳа» жамоа корхонаси конструкторлик бўлимининг бошлиғи

Нормуродов Амиркул Шойимхуррамович — «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 3 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 4 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	55,27
1 Австрия шиллинги	6,35
1 Англия фунт стерлинги	129,66
10 Бельгия франки	21,65
1 Голландия гульдени	39,61
10 Греция драхмаси	2,83
1 Дания кронаси	11,74
1 БАА дирхами	21,10
1 АҚШ доллари	77,49
1 Миср фунти	22,88
1 Ирландия фунти	115,89
1 Исландия кронаси	1,09
10 Испания песети	5,30
100 Италия лираси	4,65
1 Канада доллари	55,08
1 Хитой юани	9,35
1 Кувайт динори	255,96
100 Ливан фунти	5,05
1 Малайзия рингити	23,85
1 Германия маркаси	44,67
1 Норвегия кронаси	11,00
1 Польша злотийси	22,27
10 Португалия эскудоси	4,38
1 Сингапур доллари	49,83
1000 Туркия лираси	0,42
1 Финляндия маркаси	14,88
1 Франция франки	13,34
1 Швеция кронаси	10,29
1 Швейцария франки	54,97
1 ЭКЮ	88,34
10 Жанубий Корея вони	0,80
10 Япония иенаси	6,46
1000 Россия рубли	13,16
1 Украина гривнаси	41,33
1000 Белорусь рубли	2,68
1 Эстония кронаси	6,11
1 Латвия лати	133,60
1 Литва лити	19,37
1 Қозоғистон тенгеси	1,03
1 Қирғизистон соми	4,56

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Кеча республика Марказий банкида жорий йилнинг ўттан тўққиз ойида банк тизими фаолияти якунлари ва шу йил 28 октябрда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўттан йиғилишда банклар олдига қўйилган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда таъкидланишича, Марказий банкнинг ҳисобот давридаги асосий вазифаси миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва нақд пул эмиссиясини қисқартиришдан иборат бўлди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни амалга оширишда қонунчиликни таъминлаш, бу йилги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалигида қонунчиликни бузиш ҳолларига қарши олиб борилган текширув якунлари, пахта, шоли ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш ҳамда давлатга топшириш қандай бораётгани тўғрисида республика прокурори Ҳ. Ҳалимов, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Ж. Кўчқоровнинг ахборотлари тингланди.

* * *

Тошкентдаги жисмоний тарбия давлат институтида бўлиб ўтган республика армрейстлинг федерациясининг конгрессида республикамизда мазкур спорт турини ривожлантириш бўйича федерация ҳисоботи тингланди. Кенесбой Юсупбоев федерация президенти этиб сайланди.

* * *

Фарғонада «Экологик физиология муаммолари» мавзуида халқаро илмий конференция бўлди. Россия, Арманистон, Қозоғистон ва бошқа қатор давлатлардан келган нуфузли олимлар конференцияда инсон фаолиятига доир энг муҳим экологик муаммоларни таҳлил этишди.

ИККИ ТУМАН ҒАЛАБАСИ

Сирдарё вилоятидаги катта карвон — Боёвут тумани, шунингдек Ховос тумани пахтакорлари зафар қучдилар. Боёвутликлар давлатга 45 минг тоннадан зиёд, ховосликлар эса 15 минг тоннадан ортиқ пахта сотдилар.

Ҳар икки туманда терим давом этмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУХОРО НЕФТИ ПОЙТАХТДА



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маҳсулотини Тошкент вилояти Чинобод нефть базасига қарашли Қодирия махсус қуйиш станцияси орқали қабул қила бошлади!

Ифтихор билан қайд этиш мумкинки, Ўзбекистонимиз амалда нефть мустақиллигига эришди. Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан халқимизни хушнуд этмоқда. Мазкур завод тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач эса хорижга нефть маҳсулотларини экспорт қиладиган мамлакатлардан бирига айланамиз.

Хўш, бугунги кунда ушбу гигант корхонада ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотлари қай тарзда тасарруф этилмоқда? Халқимизга сифатли ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари қай йўсинда етказиб берилмоқда? Шу каби кўплаб саволларга жавоб излаб, «Тошвилнефтьмаҳсулот» бирлашмасига қарашли Чинобод нефть маҳсулотлари билан таъминлаш базасида бўлдик.

Корхона раҳбари Ҳусан Зокиров бизга корхонанинг тарихи, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар хусусида шундай гап бошлади:

— Чинобод нефть маҳсулотлари билан таъминлаш базаси 1993 йилда энг сўнгги замонавий ютуқлар асосида барпо этилган корхона бўлиб, Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятидаги нефтни қайта ишлаш заводи билан қувурлар орқали тўғридан-тўғри нефть маҳсулотларини қабул қилишга мўлжалланган эди. Бир қанча иқтисодий қийинчиликлар юзага келгач 1994 йилда Қодирия қуйиш станцияси қурилиши бошланиб, 1997 йилда ушбу қурилиш поёнига етказилди. Эндиликда биз тўғридан-тўғри мазкур станция орқали Фарғона ҳамда Бухоро нефтни қайта ишлаш корхоналаридан келаётган ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини қабул қилиш имконига эга бўлдик. Бундан ташқари, корхонамиз халқимизга сифатли ва юқори октанли ёнилғи маҳсулотлари етказиб бериш, уларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида кунига бир неча ўн тонна миқдордаги бензин, дизель ёнилғиларини Тошкент шаҳри ҳамда пойтахт вилояти аҳолисига етказиб бермоқда.

Корхонада ҳаёт қайнайди. Дарвоза олдида тирбанд бўлиб ёнилғи олишга навбатга турган машиналарни кўриб ҳайратимиз ошади. Яна корхона раҳбарини саволга тутамиз.

— Сирғали нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси ёпилгач, шаҳардаги барча ташкилотлар, ёнилғи қуйиш шаҳобчаларини ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш бизга юклатилди. Ҳозирги кунда кўплаб юқори сифатли А-76 ҳамда А-93 русумли автомобиль бензинини қабул қилиш имконига эгамиз. Ёнғинга қарши ўт ўчириш мосламалари автоматлаштирилган. Нефть маҳсулотлари қувурлар орқали етказилиб, бир вақтнинг ўзида 24 та автоцистернага ёнилғи қуйишимиз мумкин.

Ҳа, корхона раҳбарининг сўзига қараганда, ушбу маскан ёнилғини қабул қилиш ҳамда аҳолини нефть маҳсулотлари билан тўла таъминлаш қувватига эга. Истиқлол халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Қоровулбозор иншоати билан ҳаммамиз фахрланишга ҳақлимиз. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бевосита раҳбарлигида саҳро бағрида ўз аҳамияти ва салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёда ўзига хос муҳим ўрин тутган, техник жиҳатдан улуғвор корхона бунёд этилди. Зеро, қумликлар оғушида бўй чўзган Бухоро нефтни қайта ишлаш мажмуи ҳамда нефтчилар шаҳарчасини эртаклардаги мўъжизага қиёсласак муболаға бўлмайди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Туман кенгашларида

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Ўтган шанба куни Собир Раҳимов туманидаги Гузарбоши маҳалласида бўлиб ўтган учрашув партия билан халқ муштараклигининг ёрқин намойишига айланиб кетди. Унда партия ва меҳнат фахрийлари, маҳалланинг фаоллари иштирок этишди. Собир Раҳимов тумани партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Асомов йиғилганларга партия фаоллари, маҳаллалардаги кексаю ёшнинг ягона мақсади — жамиятимизни тубдан ривожлантириш, янги авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш эканини таъкидлади.

— Ушбу учрашув партия билан халқ муштараклигини яна бир бор намойиш этди, — деди биз билан суҳбатда туман партия кенгашининг котиби Муаззам Нуриддинова. — Умумий ишимизда маҳаллалардаги кексаю ёш ўзига хос хизмат қиляпти. Маҳаллаларнинг оқсоқоллари ҳам фаол. Ўйлаймизки, бундай мулоқотлар партиямиз обрўсини эл орасида янада оширишга, унинг мавқеини кўтаришга хизмат қилади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.

ФАОЛЛАР ЭЪЗОЗИ

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани партия кенгаши ўз анжуманига 172 та бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ХДП фахрийлари ва фаоллари, «Камолот», «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаси раисларини таклиф этди. Партия сафига янги қабул қилинганлардан 5 нафарига ушбу анжуманда партия билетлари топширилди. Шунингдек, ХДП фахрийларидан 3 нафарига Марказий Кенгаш, Тошкент шаҳар кенгаши Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди. Туман партия кенгаши 5 нафар партия фахрийларини Фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади.

Тошкент машинасозлик корхонасининг бир неча йилдан бери партия ташкилоти котиблигини адо этиб келаётган фаоли Н. К. Кобилкинага 70 ёшга тўлган куни муносабати билан эсдалик совғалари берилди. Анжуманни М. Улуғбек тумани партия кенгашининг биринчи котиби И. Равшанов бошқарди. Йиғилганларга анжуман якунида янги китоблар тарқатилди.

Мукаррамхон ТОЛИПОВА,
Мирзо Улуғбек тумани партия кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири.

АМАЛИЙ ЁРДАМ САМАРАСИ

Партия ҳаётидан

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ЎзХДП вилоят кенгаши биносида котиба-ҳисобчидан ташқари ҳеч ким қолмайди. Кенгашнинг масъул ходимлари биринчи котиб раҳбарлигида олдиндан режалаштирилган шаҳар ёки туман партия кенгаши, шу шаҳар ёки тумандаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини тўлиқ ўрганиш учун марказдан жўнайдилар. Кенгашнинг ҳар бир ходими ўзи ўрганадиган соҳани яхши билади. Шу куни ходимларимиз меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда бўлишади, бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишиб, мавжуд ютуқ ва камчиликларни ўрганишади. Туман (шаҳар) кенгаши иш режасининг бажарилиб бориши, партия аъзоларининг ташаббускорлиги, маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорлик, маънавият ва маърифатга оид масалалар, хуллас, бугунги кунининг энг долзарб мавзуларига оид ишлар таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилади. Якунловчи йиғилишда тегишли шаҳар (туман) кенгаши фаолиятига баҳо берилиб, зарур йўл-йўриқлар кўрсатилади.

Биз «Амалий ёрдам кунлари» деб атайдиган кунларда жойларда партия фаоллари ўқувлари ҳам ташкил этилади. Бундай ўқувларда Президентимиз И. А. Каримов асарлари мазмуни ва моҳияти, уларда қўйилган вазифаларни ижро этишда ХДП аъзоларининг фаолияти, партиямизнинг дастурий ҳужжатлари ўрганилади.

Йил бошидан буён 10 дан ортиқ шаҳар ва туман кенгашларида ана шундай «Амалий ёрдам кунлари» бўлиб ўтди. Улар ўзларининг ижобий самарасини берди, албатта.

Сир эмас, партиямиз ташкил топган дастлабки йиллари вилоятда унинг молиявий асоси ҳам пишиқ-пухта бўлиши лозимлигини кўрсатди. Кейинги пайтларда шаҳарлар ва туманлар партия кенгашлари қошида турли фирма ва корхоналар очилди. Улар яхши иқтисодий самара беришяпти. Масалан, Данғара туман партия кенгаши қошида қишлоқ жойларни газлаштиришга ихтисослашган «Машъал» фирмаси тузилди. Фирма ҳозиргача 4 та мактабни, иккита касалхона ва бир қатор табиий газ етиб келмаган қишлоқларни газлаштирди. Ўнлаб километр масофаларга газ қувурлари тортилиб, юзлаб хонадонлар «зангори олов»дан баҳраманд бўлдилар. Ўтган йили «Машъал» фирмаси туман кенгаши билан ўзаро тузилган шартномага мувофиқ кўрилган соф фойданинг 20 фоизини туман партия кенгаши ҳисобига ўтказиб берганди. Бу йил корхона ўтган йилдагига нисбатан икки баробар кўп иш бажарди. Бу эса ўз навбатида туман кенгаши даромадларининг ҳам кўпайиши демакдир. Худди шу туман кенгаши қошида икки йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Юлдуз» телестудияси ҳам партия ҳаётини ёритиш, дастурий ғояларимизни ташвиқот қилиш билан бирга партия хазинасига катта даромад келтиряпти. Масалан, ўтган йилни якуни бўйича телестудия ўзаро шартномага мувофиқ партия кенгаши ҳисобига 100 минг сўм пул ўтказиб берганди. Бу йилги натижалар янада юқори бўлиши кутиляпти.

Кейинги пайтларда мафкуравий ишларни яхшилашга алоҳида эътиборни қаратдик. «Маънавият ва маърифат», «Олтин мерос», «Камолот» жамғармалари, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказдик. Партиямиз — истиқлол фарзанди. Унинг ҳар бир соф виждонли аъзоси мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимиз куч-қудратини ошириб, уни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишда ўз куч-қувватини аямаслигини халқимиз яхши билади. Фарғонадаги 43 мингдан ошиқ ХДП аъзоларининг ўй-ниятлари ана шундай.

Анваржон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби.

Миллат ва маънавият

ИЙМОН ЧИРОҒИ

Гоҳида ҳаётдаги кичик бир манзара қўлга қалам олишга мажбур қилади. Сўнг... Сўнг қоралаганларингиз ўткинчи ҳиссиёт ва ҳаяжон ҳосиласи эканлигини англаб қоласиз. Яна шунга ўхшаш воқеа содир бўлиб, хотиларингизни жунбушга келтирмагунча у тортмангизда қолиб кетади. Бу гал шундай бўлди.

Токчадаги китоб диққатимни тортди. Буни сезган хотиним:

— Қўшнимиз берди. Кунглига келмасин деб олиб қўя қолдим, — деди.

Китоб муқовасига кўз югуртирдим: «Муқаддас китоб Инжил». Ўн йиллар аввал шу каби китоб билан боғлиқ ҳодиса ҳақида ёзиб қўйган қораламам эсимга тушди.

Одатда олис йўлга чиққанда йўловчилар зерикмаслик учун гурунглашиб кетадилар. Гурунг айни қизиган маҳал даврамиздаги бир йигит сумкасидан бир неча хил китоб олиб ўртага қўйди. Ҳамма унга қаради. Китоблар насронийлик ҳақида эди. Шунга қарамай унинг ихлосмандлари вагонда етарли экан. Бунга сабаб одамларнинг диний озуқага таш-на эканлиги бўлса керак. Устига-устак китоблар ихчам бўлиб, ўзбек тилига содда ва равон таржима қилинган эди. Йигитнинг бу дадиллиги мени саросимага солиб қўяди.

Узоқ қишлоқдан келган ўспирин чет тиллари институтига ўқишга кирди. Тезроқ тил ўрганиш мақсадида хорижлик талабалар билан дўстлашди. Анча-мунча вақт ўтиб, у насронийга айланди-қолди. Ўртоқларини ҳам ўзига эргашишга даъват қилди. Уни ҳеч ким, ҳатто ота-она ҳам бу йўлдан қайтаролмади. Ота-она фарзанддан, фарзанд ота-онадан юз ўгирди. Ким билади вагон бўйлаб китоб тарқатаётган йигит балки ўша талабадир. Демакки, у насронийликни қабул қилибдими, шу вақтгача мусулмон ҳам бўлмаган. Чунки дин қалбга босилган муҳрдир. Бадандаги тамғани таг-туги билан олиб ташласа бўлади. Шунда ҳам ўрни қолади.

Албатта, ҳар ким ўзи истаган динга киради. Бу борада мустақил мамлакатимизда тўла-тўкис виждон эркинлиги таъминланган. Бироқ, фарзанд боболари динини танимаса, аввало, ота ва она айбдор. Болага исломий қоидаларни, шарқона миллий анъаналарни бешикданоқ ўргатиб бориш, қалбини ислом нури билан ёритиб бориш зарур. Шундай қилинмаса, фарзанд қалбидаги бўшлиқни ўзга эътиқод эгаллаб олиши мумкин.

Муҳаммад Али, Малик Абдулазиз (Майк Тайсон) каби жаҳон эътироф этган спорт юлдузларига мусулмонликни биров мажбуран эътиқод қилдирган эмас. Бу уларнинг навбатдаги шовшувлари ҳам эмас. Дин кўйлак эмас-ки, бирини отиб иккинчисини кийгани. Буни улар жуда яхши биладилар.

Баъзан шундай тортишувларга дуч келиб қолади киши. Қаерда насронийлик етакчи бўлса, ўша давлат ривожланган эмиш. Жанубий Кореянинг ҳозирги тараққиёти замирида мамлакат аҳолисини ялпи насронийликни қабул қилаётгани шундан эмиш. Агар давлатлар ўртасида эътиқод бирлиги бўлса, улар бир-бири билан тез тил топишиб кетармиш. Унда Лотин Америкаси давлатлари аҳволини қандай тушуниш мумкин?

Мамлакат равнақи у ерда қайси дин етакчи экани билан ўлчанмайди. Республикамизда бир неча дин вакиллари яшаб, меҳнат қиладилар. Ҳукуматимиз улар учун ҳам барча эркинликларни яратиб берган. Мустақиллик йилларида сиёсат ва иқтисодиёт соҳасида эришаётган улкан муваффақиятларимиз юқоридаги сафсаталарни инкор этиб турибди. Етакчи доно бўлса мамлакат гуллаб-яшнайверади.

Авваллари болаларимизни мажбурий «хоҳишимиз» билан рус боғчасига, мактабига топширардик. Шундай қилсак, нони бутун бўлишини билардик. Ҳатто замон шундай кетаверади, деб хаёл қилган кимсалар ўзлигини йўқотиш даражасига бордилар. Яҳё ака деган танишим хизмат юзасидан бир одамникига қўнғироқ қилибди. Дастакни ўғли олибди. Дадасини чақиришни сурабди. Шунда симнинг у томонидан қуйидагича овоз эшитилибди: «Папа, тебя какой-то узбек зовет». Яҳё ака тутаб кетибди. «Ўзинг кимсан», дея жаҳл билан дастакни осиб қўйибди. Ўз даврининг маънавий қурбонлари бўлган бу инсонларга раҳминг келади. Ўзлигини йўқотиш қандай даҳшат.

Кейинги пайтда республикамизга турли хил китоблар сувдек оқиб киряпти. Уларнинг маънавий тарбияси алоҳида бир мавзу. Илгари яширинча тарғиб қилинган ғайридиний китоблар энди очиқ-ойдин, кўчаларда, уйма-уй юриб текинга тарқатилмоқда. Тўғри, ҳар бир дин ўзи ҳақида батафсил маълумот беришга интилади. Турли тилларга таржима қилинади. Ҳар бир диннинг тарғиботчиси бўлади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Лекин чоп этилаётган китоблар орасида фарзандларимиз учун мўлжалланган китоблар ҳам сезиларли ўрин эгаллаётгани кишини ўйлантириб қўяди. Катталар ҳазиллашиб бола хотирасини магнит тасмасига ўхшатадилар. Тасмадаги ёзувни ўчирса бўлади, боланинг онгини эса... Тан олиш керак. Китобларнинг матбаа сифатига ҳавасингиз келади. Ундаги ранг-баранг суратлар киши эътиборини тортади. Китобларнинг чоп этилган манзилларига келсак, ҳамдўстлик давлатларидан тортиб Европа давлатларини ўз ичига олади. Назаримда, бу ҳаракат сира тўхтамаган. Фақат ҳозирда бу янада эркинроқ ва очиқроқ фаолият кўрсатмоқда...

Қодиржон ҚАЮМОВ.

Газетада босилмади, аммо...

«СИҲАТГОҲГА НЕГА АВТОБУС ҚАТНАМАЙДИ?»

«Марҳамат» сиҳатгоҳидаги айрим камчиликлар тўғрисида ёзилган Ж. Турдиевнинг шикоят хати ўрганиб чиқилди ва бажарилиши бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Андижон вилояти электр алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи М. Қодировнинг 1997 йил 3 октябрь фармойиши билан Андижондан Асакагача «ИКМ-120» аппаратура канали орқали Асакадан сиҳатгоҳгача телефон алоқаси ўрнатилди.

Сиҳатгоҳда газета-журналлар сотуви йўлга қўйилди, автобус қатнови ташкил этиш бўйича бўйича Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлими ходими И. Ҳакимов, «Андижонтранс» автомобиль бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Саримсоқов бошчилигидаги гуруҳ «Марҳамат — сиҳатгоҳи» маршрут йўлини кўриб чиқиб, йўлнинг 2 ва 3 километрларида хавфли бурилиш, айрим жойларда тик кўтарилиш борлиги учун автобус ҳаракатини жорий этиш мумкин эмаслиги кўрсатилиб далолатнома тузган, ҳозиргача мавжуд «Асака—Сиҳатгоҳ» маршрутидан фойдаланишни тавсия этган.

Марҳамат тумани ҳокими А. РАСУЛОВ.

СУРАТДА: Кува тумани мева-сабзавотларни қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти ишчиси Зулхумор Ғуломова.
Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

БЕМАВРУД «ОТ ЎЙИНИ»

Ё, тавба!

Қозоғистон Республикасидаги «Мақсад» хайрия компаниясининг Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги филиали уч йил муқаддам фаолият бошлади. Мақсад атамага мос- ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва фаолияти-дан таркиб топадиган маблағ эвазига аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига мурувват қўлини чўзишдан иборат эди. Филиал директори Эргаш Хўжаев ва бош ҳисобчи Отабой Хўжаевлар барча зарур ҳужжатларни ҳозирлашди. Филиални очишди-ю, фаолият кўрсатишга келганда жимиб кетишди. Фаолият — фирма филиалини очиш билан якунланди.

Хўжаевлар нима қилишни билмай бош қашлаб ўтирганларида улар ҳузурига тумандаги «Экосан» фирмаси директори Мақсуд Рўзиматов ташриф буюрди. Буни қарангки, Мақсуд ҳам Эргашга ўхшаб, «тадбиркорлик» қилмоқчи экан-у, маблағи йўқ экан. Қисқаси, ҳамфикрлар «қоронғида топишдилар». «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси Пўлат Собиров билан банкдан икки миллион сўм қарз олиш ҳақда ишни пишитиб қўйганман. Ссуданинг ярмини олдим. Бироқ қолганини бошқа корхона орқали олиш мумкин экан. Шунга ёрдамлашиб юборсанглар, сизларни ҳам қуруқ қўймасдим» деди М. Рўзиматов.

Э. Хўжаев ссуданинг йилига 205 фоиз билан берилишини эшитиб, аввал руйхушлик бермади. «Бу ёғидан хотиржам бўлаверинг, Эргаш Хўжаевич, — деб гапнинг жиловини тағин қўлига олди М. Рўзиматов. — Биз уни кўпи билан икки ой ичида тўлаймиз. Мобадо тўлай олмасак, ўртада банк бошқарувчиси турибди. Биз сиз билан ўзаро шартнома тузамиз, холос. Яна бир гап: ссуданинг фоизларини вақтида тўлаш имкони бўлмаса бақувват ҳомиймиз бор — Ягона Оролбўйи дирекциясининг ишлаб чиқариш комплектация бошқармаси. Мана уларнинг «ишонч хати»! Яна бир фойдали томони — ссуданинг бир қисмига акция сотиб оламиз. Акция сизларники бўлади».

Ишқилиб, «тадбиркор» Мақсудбек ҳамкасби Эргашни кўндирди. Бўлар 1995 йилнинг 31 августидаги гап.

Алқисса, учовлон тил бириктирдилар. Бир кун олдинги сана билан шартнома имзоланди. Банк бошқарувчиси П. Собиров кабинетида ишлар осонгина ҳал бўлди. М. Рўзиматов ҳужжатларни тайёрлади, П. Собиров имзо қўйиб, муҳр босаверди. Банк бошқарувчиси шу қадар «сахий» эдики, О. Хўжаев томонидан берилган, ҳеч вақо ёзилмаган қуруқ қоғозларга ҳам имзо чекиб, муҳр босиб берди...

Шундай қилиб, 800 минг сўм ссуда олинди. Унинг 728 минг сўми «Экосан» фирмаси, 72 минг сўми эса М. Рўзиматовнинг «Ойбек» хусусий дўкони ҳисобига ўтказилди. Акциялар учун деб 54 минг сўм пул гўёки туфҳа қилинди. Банк ҳам икки ўртада саккиз минг сўм ишлаб қолди. Бу «силлиқ операция»дан фақатгина Э. Хўжаев улушсиз қолди. Эргашвой бир зумда бол тутди-ю, ҳатто бармоғини ялашга улгурмади...

Вақт ўтаверди. Белгиланган уч ой муддат ичида «Мақсад» хайрия компанияси «олган» қарзининг ўзи у ёқда турсин, ҳатто фоизини ҳам тўлай олмади. Банк бошқарувчиси ваъда қилган акцияларни бермади. Фақат қилган яхшилиги — ссудани тўлаш муддатини бир йилга узайтириб берди.

Охир-оқибатда пулни олган М. Рўзиматов бўлди-ю, ўртада воситачилик қилган Э. Хўжаев балога қолди. Ахир ўйлаб кўринг, орадан ўтган икки йил ичида олинган қарз «роса болалаб» салкам икки ярим миллион сўмга яқинлаб қолди. Бу пулни тўлаш имконияти мутлақо йўқлиги боисдан хайрия компанияси вилоят хўжалик судининг 1997 йил 6 июлдаги қарори билан «банкрот» деб топилди.

Энди нима бўлади? М. Рўзиматов «бир ойда тўлайман, икки ойда тўлайман» деб ваъда беришдан чарчамаяпти. Э. Хўжаев эса «тадбиркорона яхшилик» қилгани учун жабрини тортмоқда. Банк бошқарувчиси ишдан кетган. Шуниси ажабланарлики, мазкур «от ўйини» томошасида туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Абдулла Кенжаев ҳам бор эди.

Олимбой ҚУРБОНБОЕВ,
Шариф САФАРОВ.

СУРАТДА: Шаҳрихондаги академик Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалиги раиси Ўрмонжон Бозорбоев, 4-бригада бошлиғи Зуҳриддин Бердиқулов, илғор теримчилар Сайёрахон Йўлдошева ва Азиза Умаровалар.
Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

БИЗГА ҚАНДАЙ

Бизнинг асримиз жамиятнинг бугунги куни учун илмий ечимлар, ривожланиш моделлари ва лойиҳаларини таклиф қилишга қурби етадиган фанларга нисбатан эҳтиёжни кучайтириб юборди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янги жамият барпо этиш эҳтиёжларига ҳамоҳанг, замон билан ҳамнафас фанлар равнақи учун имкониятлар туғилди. Президентимиз И. Каримов ҳуқуқшунос олимлар билан бўлган учрашувда фандаги эскича фикрлашдан воз кечиб, янгича илмий тафаккур маданиятини яратишга даъват этди. Бу масалани ҳал этишда биз учун янги хилдаги, замонавий фанлар зарур. Шу ўринда ҳозирда катта аҳамият касб этаётган социология фанининг муаммолари ва истиқболлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Социология жамият ҳақидаги яхлит фан бўлиб, унинг жозибаси ва самараси жамиятни билишнинг аниқ илмий услубларига эгалигида ифодаланади. Социология эмпирик (тажрибавий) услублардан фойдаланиб турли ижтимоий ходисаларнинг ўзаро алоқасини ва одамлар хатти-ҳаракатларининг умумий қонуниятларини ўрганади.

Социология дастлаб дунёга келгандан сўнг жамиятни ишончли илмий услублар ёрдамида ўрганиш мумкинлиги илмий жамоатчиликка маълум бўлди. Бунинг натижасида кўпгина ижтимоий фанлар «социологизациялаша» бошладилар. Амалиётда ҳам бу фаннинг имкониятлари тезда кўзга ташлана бошлади. Шу тариқа социология оммавийлашиб борди.

Маълумки, табиий ва ижтимоий фанлар узоқ вақт алоҳида-алоҳида яшаб келдилар. Лекин XIX аср иккинчи ярмидаёқ фан оламида устивор йўналиш — табиий фанларнинг ижтимоийлашуви ва ижтимоий фанларнинг табиий фанлар услубларини эгаллаши, яъни фанлар интеграцияси кучайди. Социология маълум маънода ана шу жараённинг ҳосиласи бўлиб, ўз навбатида руҳшунослик, генетика, кибернетика каби фанлар билан бир қаторда фанлар интеграциясининг ташаббускорларидан бўлиб майдонга чиқди. Бу ҳам социологиянинг аҳамиятини оширувчи омиллардан бири бўлди.

Мамлакатимиз илмий жамоатчилигининг социологияга қизиқиши ошиб бормоқда. Собиқ советлар даврида бу фанга хавфсираб қаралганлигининг боиси аниқ. У даврда жамиятнинг ўткир муаммолари ҳақида рўй-рост гапириш мумкин эмас эди. Социологиянинг ўзи информатика, генетика фанлари каби ҳеч бир мақомга эга эмас эди. Ғарб мамлакатлари эса айнан шу фанларнинг илмий ечимларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиб, катта ютуқларга эришдилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида социология соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Бизнинг ахборотлар ва алоқалар асримиз социология учун улкан имконият, шарт-шароитлар яратди. Ҳозирда социология ривожланган мамлакатларда ижтимоий фанлар тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди, 50 дан ортиқ ихтисослашган соҳа ва тармоқларга эга бўлган бу фан дунёнинг кўпгина мамлакатларида жиддий ўрганилмоқда ва ўқитилмоқда.

Социология биз учун янгидан кашф этилаётган фан. Бу фанни тўлиқ ва чуқур ўзлаштиришимиз унинг моҳиятини тўғри англаб олишимизга боғлиқ. Ҳозирда социология оммавийлашиб кетганига қарамай, уни юзаки талқин этувчилар ҳам топилади. Баъзан социологиянинг амалий томони бўрттирилиб, у қандайдир сўровлар билангина шуғулланувчи фан деб изоҳланмоқда. Чуқур назарий билимлар ва ўзига хос социологик тафаккурсиз бу соҳани эгаллаб бўлмайди. Шунинг учун социология назарияси, яъни унинг асосий тушунчалари, ғоялари, қоидалари ва

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела бир ҳафта орасида Ливияга иккинчи бор ташриф буюрди. У Ливия Президенти Каддафи билан 1988 йилда Шотландиянинг Локерби шаҳрида парвоз чоғи ҳалокатга учраган Америка ҳаво лайнери билан боғлиқ масалаларни муҳокама этади.

* * *

Канаданинг Саскачеван туманида Роберт Латимер исмли фуқаро устидан суд бошланди. У умуртқа фалажи касаллигига чалинган 12 ёшли ўз қизини дарддан халос этишнинг ўзига хос йўлини топган. Яъни, ота ўз қизига ичи ачиганидан уни ўлдириб қўя қолган.

* * *

Жазоирда ҳар хил оқимдаги қўпорувчиларнинг фаоллиги яна кучайди. Уларнинг турли актлари туфайли сўнгги кунларда 12 киши ҳалок бўлган.

* * *

Татаристон оқсоқоллари янги паспортлар тарқатилиши муносабати билан республика президентига мурожаатнома юбордилар. Унда янги паспорт муқовасида икки бошли бургут — Россия герби акс эттирилгани, бу эса ўзга халқларни бўйсундиришнинг рамзи экани таъкидланади. Бу ҳолни оқсоқоллар Россиянинг империяга қайтиши, дея баҳолагаплар. Шунингдек, оқсоқоллар янги паспортда фуқаронинг миллати кўрсатилмагани ва Россия таркибидаги халқларнинг миллий тилида ёзув йўқлигидан ҳам норози эканликларини билдиришган.

Америка мультимиллионери Жорж Сороснинг инвестиция жамғармаси кейинги икки ҳафтада фонддаги беқарорлик туфайли икки миллиард долларни йўқотди.

* * *

Ироқ ҳукумати БМТнинг ушбу мамлакатда қуролсизланишни назорат қилиш комиссияси икки аъзосининг мамлакат ҳудудига киришини расман таъқиқлади. Буюк Британия эса Ироқ бундан кейин ҳам БМТ қарорларини бажаришдан бош тортса, унга нисбатан ҳарбий чора кўриш мумкинлигини баён этди.

* * *

Голландия транспорт компанияларидан бирига тегишли автомобилда олиб кетилаётган 75 миллион йиллик динозавр скелети мустаҳкам ўрнатилмагани учун машина силкинишидан ерга қулаб тушди ва майда-майда бўлакларга бўлиниб кетди. Динозавр скелети Гаагадаги музейда ўтадиган кўргазмада намойиш қилиниши керак эди. Музей хизматчиларидан бири: «Бизнинг йўқотишимизни буюк рассом Ван Гогнинг бебаҳо расмларидан бири парчаланиб кетгани билан қиёслаш мумкин», —деб айтди.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

* * *

Аргентина ҳукумати ва маҳаллий ҳокимиятларга бўлиб ўтган сайловларда шу пайтгача етакчи бўлган хустисиалистлар (перонистлар) партияси муваффақиятсизликка учради. Перонистлар партияси аъзоси бўлган Президент Карлос Менем мухолифат ғалабасини тан олса-да, ваколат муддати тугагунга қадар — 1999 йилгача давлат раҳбари сифатида ўз лавозимидан кетмаслигини билдирган.

ХОРИЖ МАТБУОТИ

«Чикаго Трибьюн» газетаси ёзишича, АҚШнинг Ўрта Ғарб штатларидаги қундуз фермаларига ўғрилар эмас, «шафқат бирадарлари» ҳужум уюштирмоқдалар. Бундай ҳоллар тобора кенг қулам касб этмоқда. Масалан, яқинда Айова, Висконсин ва Жанубий Дакота штатларида яширин равишда 12 минг тутқун қундуз озодликка қўйиб юборилган. Фермерлар ва ФБРнинг таъкидлашича, бу жониворлар ҳуқуқи учун курашувчи фаолларнинг ишидир. Илгари улар асосан Шарқий ва Ғарбий қирғоқдаги фермаларда фаолият кўрсатган бўлишса, шу йилнинг кузи бошидан энг сифатли мўйна етиштириладиган марказий штатларда ҳам пайдо бўлишди. Фаолларнинг асосий мақсади жониворларни тутқунликдан, мўйна етиштирувчи фермалар ва илмий тажрибахоналардан озодликка қўйиб юборишдир. Газета ёзишича, экологларга қурол билан «жавоб» беришга тайёр бўлган фермерлар бу ўринда «бағри кенглик» кўрсатмоқдалар. Афсуски, тутқунликдан халос бўлган жониворлар озодликда кун кечиришга мослашмаган. Улар очлик ва ўзгача турмуш тарзидан барибир нобуд бўлмоқда. Ушланиб, қафасга қайтарилганларигина яна яшаб қолмоқда.

* * *

«Жермани Лайв» газетаси иккинчи жаҳон уруши мобайнида истило этилган мамлакатлардан нацистлар олиб чиқиб кетган пул, олтин, маданий ва бошқа ҳар хил қимматга эга бўлган маҳсулотларни қидириш давом этаётгани ҳақида ёзади. Швейцария банклари иттифоқи иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳеч ким бирор марта ҳам мурожаат этмаган 14 минг банк ҳисоб рақамини ошкор этган. Мазкур ҳисобларда ҳозир 18 миллион Швейцария франки сақланишини ёзади газета. Ҳисоб рақамларнинг эълон этилиши йўқолган пул ва тарихий бойликлар тақдирини аниқлашга бўлган иккинчи уринишдир. Биринчи рўйхат шу йилнинг июлида эълон этилган ва мутахассислар фикрича, кўрилган пухта тайёргарлик борасида ҳозиргисидан фарқ қилмас эди.

* * *

Леди Ди дафн этилган Алторип-Хауз қабристони фожиали ҳалок бўлган Диана хотирасини ёд этмоқчи бўлганлар учун ҳар йили 1 июлдан 30 августгача очиқ бўлишини марҳум Уэльс маликаси қариндошлари маълум қилдилар, дея ёзади «Таймс» газетаси. Газета мухбири ёзишича, Алторп-Хауз қабристонининг очилиши Диананинг туғилган кунига тўғри келади. Бу эса мухлисларда янада катта қизиқиш уйғотади. Кириш чиптасининг баҳоси ҳозирча аниқ эмас. «Таймс» ёзишича, бу келгуси йилнинг бошида аниқ бўлади. Чипта сотишдан тушган барча пул хайрия тадбирларига сарфланади. 31 август куни — Диана ўлимининг бир йиллиги куни эса Спенсерлар мулки энг яқин қариндошлар учунгина очиқ бўлади.

* * *

«Ассошиэйтед Пресс» агентилиги хабарига кўра, АҚШ Конгресси вакиллари палатаси аъзолари солиқ тўловчилар учун «Интернет» компьютер тизимида ўзига хос «шикоят китобини» очдилар. Конгресс АҚШ солиқ хизмати тизимини ислоҳ қилиш лойиҳасини таклиф этади. Шу муносабат билан солиқ хизмати ходимларининг ишидан норози бўлган америкаликлардан бу ҳақда хабар беришларини сурайди. Истаганларнинг номи сир сақланиши кафолатланади. Олтита савол-га жавоб бериш таклиф этилади. Шулардан бири: «Солиқ хизмати ўзига берилган ваколатни ортиқ даражада суиистеъмол қиладими ёки ундан тўғри фойдаланадими?»

* * *

Европа Иттифоқи яқин кунларда Германияга бутун мамлакат ҳудудида тамаки маҳсулотлари рекламасини таъқиқлаш талабини қўймоқчи, дея маълумот беради ДПА агентлиги. Германия ҳозирги кунда Европадаги тамаки маҳсулотлари рекламасига расмий рухсат берилган ягона давлатдир. Германияга бир қадар қатъий талаблар қўйилиши ҳам кўзда тутилмоқда, яъни кўча автоматларидан тамаки сотиш таъқиқланади. Мутахассилар фикрига кўра, улар тамаки маҳсулотларини реклама қилишнинг яширинча усули бўлиб, шаҳар кўчаларида ҳар қадамда учрайди ҳамда болалар ва ўсмирлар дунёқарашига салбий таъсир этади.



Ҳар заминнинг ўз дарахти бор.

СОВРИН ТОШКЕНТЛИКЛАРДА

Аввал хабар берилганидек, Тошкентда ўтаётган халқаро шахмат мусобақаси ниҳоясига етди. Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб «Труд» газетаси соврини учун ўтказилган бу мусобақада 1981 йилда ва ундан кейин туғилган ўзбекистонлик ва қирғизистонлик 88 шахматчи иштирок этди.

Тошкент шаҳри командаси биринчи, самарқандликлар иккинчи, қорақалпоғистонлик ёш шахматчилар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий биринчиликда самарқандлик Иброҳим Ҳамроқулов тўққиз имкониятдан 8 та очко тўплаб, биринчи ўринга чиқди. Иккинчи ва учинчи ўрин тошкентлик Аҳмад Бобоев билан Сергей Қаюмовга насиб этди. Қизлар ўртасида тошкентлик Севара Юсупалиева ғолиб бўлди.

Турнир таъсисчиси бўлмиш «Труд» газетасининг махсус совринлари мусобақа ғолибларига топширилди.

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Инсон ҳуқуқлари, айнан талқин этганда, бирон инсон фақат инсон бўлгани учунгина эга бўлган ҳуқуқлардир. Кўринишидан содда мазкур ғоя чуқур ижтимоий ва сиёсий маъно касб этади.

Инсон бўлишидан ўзга нарсага асосланмагани туфайли инсон ҳуқуқлари ўз моҳиятига кўра универсал, тенг ва даҳлсиздир. Улар, умуман олганда, барча инсонлар томонидан риоя этилади. Кимки инсон бўлса, инсон ҳуқуқларига эга бўлади, инсон зоти бўлмаса инсон ҳуқуқларига эга бўлмайди. Кимдир инсон бўлишдан маҳрум этилмагунча бу ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлолмайди — ўзгалар бундай битимни раҳмсиз деб ҳисоблаши ўринсиздир. Инсон ўз ҳуқуқларига эга бўлишга ҳаққи бор ва улар доирасида ваколатга моликдир.

Давлат ва жамият наздида ҳар бир инсоннинг инсонлар ҳуқуқларига эгалиги сиёсий ташкилот учун иш доираси ва сиёсий қонунчилик учун мезон яратади. Улар мунтазам равишда рад этилган ҳолда инсон ҳуқуқлари борасидаги талаблар қатъий инқилобий тус олиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари, умуман олганда, ўзини ҳурматлаган жамиятда бу борадаги инсонларга риоя этиш учун ҳукумат идораларига доимий босим ўтказади.

Инсон ҳуқуқларининг манбалари

Барча жамиятлар адолат, инсон қадри ва ҳурмат тушунчаларига эгадир. Бироқ инсон ҳуқуқлари ижтимоий адолат борасидаги ўзига хос концепцияни ҳаётга татбиқ этиш учун бир йўналишдир, холос. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари ғояси — яъни, инсон бўлгани учунгина инсонлар муайян даҳлсиз ҳуқуқларга эга бўлиши ва улардан жамият ҳамда ўз ҳукмронларига қарши фойдаланиши мумкинлиги ҳақидаги тушунча — барча асосий ғарбий ва ғарбий бўлмаган жамиятлар учун илгари ёт эди.

Деярли барча илгариги жамиятлар ўз ҳукуматларига оқилона ва умумий манфаат йўлида ҳукм юритишга масъул деб қараган. Бироқ бундай ёндашув илоҳий насиҳатлар, табиат қонуни, анъана ёки сиёсий тартибот моҳиятидан келиб чиқиб, барча инсонлар одил бошқарилиши лозим деган ҳуқуқларга таянмаган. Тартибли ташкил этилган жамиятда халқ ўз ҳукмдорларининг сиёсий мажбуриятларидан баҳраманд бўлган. Бироқ, улар адолатсиз ҳокимларга қарши қўллаши мумкин бўлган табиий ёки инсон ҳуқуқларига эга бўлмаган.

Инсон ҳуқуқлари Европа сиёсий назарияси ва амалиёти жараёнига XVII асрда кириб келди. Қирол Жэймс II ни тахтдан ағдарган Британия Шонли Инқилобининг арафасида, яъни 1688 йили нашр этилган Жон Локк қаламига мансуб «Ҳукумат борасида иккинчи рисола»да табиий ҳуқуқларнинг тўлиқ ривожланган назарияси илк бор тақдим этилди.

Локк назарияси бир-бирига тенг шахслар ҳаёт, озодлик ва мулк борасида табиий ҳуқуқларга эга бўлган жамият шаклланишидан аввалги мақомдан бошланади. Бироқ у даврда ҳукумат мавжуд бўлмагани учун мазкур ҳуқуқлар ҳам кам қадрланган. Уларни айрим шахслар томонидан ҳимоялашнинг деярли имкони бўлмай, бу ҳуқуқлар борасидаги баҳсларнинг ўзи низо келтириш учун етарли сабаб бўлган. Шу туфайли одамлар жамият шаклланган, жамиятлар эса ўз табиий ҳуқуқларидан баҳраманд бўлиши учун ҳукумат таъсис этган.

Локк назариясига биноан ҳукумат бошқарувчилар ва бошқарилаётганлар орасидаги ижтимоий битимга асосланади. Ҳукумат ўз фуқароларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилган тақдирдагина фуқаролар унга итоат қилишга мажбурдир. Мазкур маънавий жиҳатдан ҳукумат талаблари ва манфаатларидан устувордир. Ҳукумат ўз фуқароларининг инсон ҳуқуқларидан баҳраманд бўлишини мунтазам равишда муҳофазаланган ва ривожлантирган ҳолдагина ўз қонунийлигини сақлаб туради.

(Давоми бор).

ТИЛЛА ЎЗУКЛИ САБЗИ

Свердлов вилоятининг Бисерти деган жойида яшовчи Любов Пермякова баҳорда томорқасига сабзи уруғи экаётиб, тилла узугини йўқотиб қўйди. Қизи иккиланиб қидирадиган топишолмади. Охири ўша узукдан умидни узишди. Бироқ...

Яқинда сабзини қазиб олиб, қувониб кетишди — буни қарангки, баҳорда йўқотган тилла узукни бир сабзи белига «тақиб» олибди.

Бугун — ЮНЕСКО ташкил топган кун

УМУМЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

БМТнинг ихтисослашган 15 ташкилотидан бири — ЮНЕСКО мана ярим асрдан зиёд вақт ўтибдики, бутун дунё халқлари маданий-маънавий мероси ва бойликлари, қадриятлари, урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 1946 йили БМТ қошида ташкил топган бу халқаро ташкилот дунё мамлакатлари ўртасида таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик орқали умумжаҳон тараққиётига ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди ва бу эзгу мақсад йўлидан оғишмай илгарилаб келмоқда.

ЮНЕСКО ярим асрдан зиёд давр мобайнида йирик халқаро ташкилотлардан бирига айланди. Ҳозирги кунда унинг аъзолари сафида 190 га яқин давлат бор. Ташкилот қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган. ЮНЕСКОни Бош директор бошқаради. Унинг ҳозирги етакчиси Федерико Майор. ЮНЕСКОнинг олий органи — Бош конференциядир. У икки йилда бир марта чақирилади.

Собиқ қизил империя салтанати ҳукм сурган йилларда — халқимиз халқаро майдонда эркин фаолият кўрсатиш имконига эга бўлмаган вақтлари ҳам ЮНЕСКО Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараб келган. Буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги, Самарқанднинг 2500 йиллиги, Тошкент шаҳри барпо этилганининг 2000 йиллиги ЮНЕСКО ҳомийлигида нишонланган эди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, яъни 1992 йили мазкур нуфузли халқаро ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Шундан сўнг ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар янги, юксак босқичга кўтарилди.

Буюк мунажжим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик тўйи мамлакатимиздагина эмас, ЮНЕСКО шафийлигида дунё миқёсида нишонлангани мустақил Ўзбекистон билан мазкур халқаро ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг янги асосдаги ривожини бошлаб берди. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши муҳим воқеа бўлди. Булардан ташқари яқинда Буюк ипак йўлида жойлашган кўҳна Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги ҳам ЮНЕСКО миқёсида нишонланди. Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ таронолари» халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган санъаткорлар иштирок этди. Бу халқаро фестиваль аҳли дунёда катта акс-садо берди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг, аждодлари жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган ўзбек халқининг яна бир бор дунёга танилишида шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этди. Қолаверса, бу ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонгагина эмас, балки бутун Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига бўлган эҳтироми белгисидир. Юқорида санаб ўтилган тадбирлар сингари ЮНЕСКО-Ўзбекистон ҳамкорлигига оид яна бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО ижроия кенгашининг ўтган йил апрель ойида бўлиб ўтган 149-сессияси ялпи мажлисида нутқ сўзлаб, ушбу халқаро маданият ва маърифат муассасаси 50 йилдан буён дунёнинг барча халқларини тенг кўриб, уларнинг ўтмиши, бугунги куни, ўзига хос яшаш тарзи ва хилма-хил маданиятини бирдай эъзозлаб келаётганига юксак баҳо берган эди. Президентимиз, жумладан ўтмишсиз келажак бўлмаганидай, ҳамкорликсиз ҳамда маданият ва ақл-заковат интеграциясисиз тараққиёт ҳам бўлмаслигини таъкидлаган эди.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга ошириш борасидаги буюк хизматлари учун ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» орденига сазовор бўлди. Мамлакатимизда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, Тошкентда мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси фаолият кўрсатаётир.

Шуҳрат УМИРОВ, (ЎзА).

ЭКСТРАСЕНС — МУШУК

Галати шов-шув

Бундан бир неча ой муқаддам иповичлик Кларклар оиласи автомобиль ҳалокатига учради. Катталарнинг у ер-бу ерига шикаст етди холос, аммо уч ёшли Бетси эса оғир беҳушлик ҳолатига кетди. Унга шифокорлар ҳам ёрдам беришолмади. Шунинг учун табиий равишда ўзига келишини кутишга тўғри келди ва ота-онаси Бетсини ўз хонасига ётқизиб қўйишди.

Бир куни Бетсининг хонасида пахмоқ дайди мушук пайдо бўлиб қолди. Хонага қаёқдан кирган ақл бовар қилмайди. У каравотда ётганича Бетсининг жонсиз қўлларини яларди. Шунинг учун ҳам хизматкорлар мушукни ҳайдашмади. Мушук бўлса кечаю-кундуз қизчанинг қўлларини ялар, чарчаса озгина мизғиб ҳам оларди. Буни кузатган уй эгалари мушукка ишониб қолишди ва унга раҳми келиб, овқат, сув беришди. Мушук «муолажаси» уч ҳафта давом этди.

Тўртинчи ҳафта Бетси кутилмаганда кўзини очди ва ётган жойида мушукни силади. Буни кўриб, дўхтирлар ҳам ҳайрон қолишди, ахир уларнинг хулосасига кўра, қиз бутунлай фалаж бўлиб қолган эди-да.

«Экстрасенс-мушук» эса яна ўз ишида давом этаверди. Яна икки ҳафта ўтгач Бетси ўрнидан турди ва мактабига қатнай бошлади. Унинг халоскори эса ҳеч кимга сездирмай хонага қандай кирган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Бу ғаройиб воқеани баён қилган Англиянинг «Гардиан» газетаси ақл бовар қилмайдиган воқеа, бироқ бу факт. Фактдан эса кўз юмиб бўлмайди» деб ҳикояни якунлайди.

СОЦИОЛОГИЯ КЕРАК?

ЁЗАДИ

Таълим ислоҳотлари

категорияларини билмоқ керак. Шунингдек турли социологик назариялар, оқимлар, мактаблар вакилларининг таълимотларини пухта ўрганиш, уларни таҳлил қила билиш кўникмасини эгаллаш зарур. Шундан сўнггина амалий социология, яъни социологик тадқиқотлар услубларини эгаллаш мумкин. Бу ҳам ўзига хос бир олам бўлиб, айниқса жамоатчилик фикрини ўрганишда яққол намоён бўлади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий жараёнларга тобора кучли таъсир кўрсатмоқда. Шу маънода жамоатчилик фикрини ижтимоий ҳодиса сифатида тушуниш ва ўрганиш пайти келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Фармонига биноан «Ижтимоий фикр» марказининг ташкил этилиши мамлакатимизда жамоатчилик фикрини ўрганиш тизимини яратиш учун барча шарт-шароитларни яратди. Шу билан бирга бу соҳада ҳали социологларимиз олдида бир қанча муаммолар мавжуд. Асосий муаммо — коммуникациявий тизимларнинг етишмаслиги ва бундан келиб чиқадиган ахборот оқимининг заифлигидир. Ўзбекистонда барча ҳудудлар бўйича ахборот — компьютер маълумотлар базасини яратиш зарур. Бунинг учун умумжаҳон коммуникациялар тизимига бирлашиш зарур. Иккинчи муаммо статистика маълумотларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Учинчи муаммо эса жамоатчилик фикрининг шаклланишидаги субъектив томонлар билан боғлиқ. Баъзи фуқароларимизда маъсулиятсизлик, жамоа ва жамиятдаги ўз ўрнини тушунмаслик, социологик суровлар жараёнидаги лоқайдликлари жамоатчилик фикрини ўрганишда қийинчиликлар туғдиради.

Ҳозирда жамоатчилик фикрини тарқоқ ҳолда ўрганишдан уни тизимли равишда тадқиқ этишга ўтиш, бунда уларнинг тезкорлиги ва амалий фойдасини оширишга эришиш, фикримизча, асосий вазифа ҳисобланади. Лекин, шуни ҳам назарда тутиш керакки, жамоатчилик фикрини ўрганиш жараёнида одамларнинг фақатгина субъектив фикрини аниқлаш мумкин. Социологга эса нафақат субъектив фикрлар, балки объектив далиллар ҳам зарур. Уларни умумлаштирилган ҳолдагина ижтимоий жараёнларнинг йўналишларини ва қонуниятларини холис ўрганиш мумкин. Шу маънода жамоатчилик фикрини шунчаки ўрганиш эмас, уни теран англаш асосида жамият тараққиётини илмий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Социологиянинг ўзига хослиги — унинг муайян тадқиқот объекти ва услубларини қисқа вақт ичида танлай билишидир. Социология шунингдек қатъий илмий услублар ёрдамида ҳосил қилинган эмпирик маълумотлар асосидагина умумлаштирилган хулосалар чиқаради. Шу маънода жамиятни тизим сифатида ҳар томонлама ўрганиш социологияда мукаммаллик касб этади. Жамиятни тушунишдаги кўпгина услублар (идеализм, априоризм, детерминизм ва бошқалар) социология методологиясининг ўрнини боса олмайди. Умуман, жамият тўғрисидаги фалсафий, назарий — социологик ва муайян илмий билимлар тизимини яратишда социология марказий ўринни эгаллайди. Шу ўринда Ўзбекистонда кенг қуламли назарий — методологик муаммоларни қўйиш, социологияда назарий фикрлашни, ижтимоий дунёга аналитик назар солиш кўникмаларни ҳосил қилиш вақти етди. Шаклланаётган янги жамиятимиз учун замонавий социологик назариялар жуда зарур.

А. Х. САИДОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.
А. Ж. ХОЛБЕКОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни жамоаси Ўзбекистон неврологлар жамияти раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Наби Мажидовга укаси

Учкун Мажидович УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилаётган "АИ — 93" турдаги юқори актанли, сифатли автобензин маҳсулотларини қуйидаги АЁҚШлардан

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.



1. АЁҚШ - 14. А. Икромов тумани, Ҳ. Турсунқулов кўчаси. Тел: 74-14-85.
2. АЁҚШ - 18. С.Раҳимов тумани, Шифокорлар шаҳарчаси. Тел: 46-66-26.
3. АЁҚШ - 74. Шайҳонтоҳур тумани, Ибн Сино даҳаси, ҳалқа йўлида. Тел: 47-54-71.
4. АЁҚШ - 120. Зангиота тумани, Қўйлиқ-Сирғали ҳалқа йўлида Тел: 90-99-96.
5. АЁҚШ - 122. А.Икромов тумани, «Ўрикзор» даҳаси рўпарасида жойлашган.
6. АЁҚШ - 123. Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳаси, ҳалқа йўлида. Тел: 21-15-76.
7. АЁҚШ - 124. Бектемир тумани, Бектемир-Водник даҳаси. Тел: 96-45-70.

Қибрай тумани «Қизил шалопа» жамоа хўжалигида жойлашган "Чинобод" нефтбазаси ушбу 7 та АЁҚШни "АИ-93" автобензини билан таъминламоқда.

Мурожаат учун телефонлар: 1-33-89-71, 1-33-71-38.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎМИР САНОАТИ

Ўзбекистон Республикаси 2 миллиард тонна қидириб топилган кўмир заҳираларига эга. Кўмир қазиб олиш ва уни етказиб бериш ишлари билан "Кўмир" акционерлик бирлашмаси шуғулланади. Ангрен конида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун конларида тошкўмир қазиб олинади. Кўмир конлари корхоналар томонидан турли усулларда ўзлаштирилаётир: очиқ усулда, ер ости ва ер остини газлаштириш усулида (Ноу Хау.) Кўмир энергетика мақсадларида ва маиший ёқилғи сифатида ишлатилади. Кўмирни қайта ишлашдан чиққан чиқинди органик ва минерал ўғитларга айлантирилади.

Конлардан чиққан кўмирлар — сифатли ёқилғи, қимматбаҳо ҳамда камёб материалларнинг турли хилини олиш учун хом ашёдир. Масалан, кокс брикети, мотор ёнилғиси, кальций карбиди, сорбент, қора ва рангли металлургиядаги углеродли қўшимчалар сифатида ишлатилади.

Кўмир қазиб олиш жараёнида каолин, оҳак, кварц қумлари, кўмир кукуни, камёб ер элементи (германий), шағал ва бошқа фойдали қазилмалар олинади.

Яхши хом ашё, кўпдан синалган эркин майдонларнинг бисёрлиги, сув ҳамда электр ва иссиқлик энергияси, темир йўлларнинг мавжудлиги станцияларнинг яқинлиги ва халқаро аэропортларнинг борлиги ишлаб чиқариш саноат комплексини бунёд этишда қўл келади. Шунингдек, қазиб олинган ва бойитилган каолин, чинни фаянс ва сопол буюмлар, ўтга чидамли ва қурилиш ғиштлари, том ёпқичлар, дренаж ва канализация қувурлари, хўжалик ва манзарали чинни буюмлар, шиша ва шиша идишлари, электр изоляторлари ҳам бу ишда ёрдам беради. Бундан ташқари каолин қоғозсозлик, резина-техника, пластмасса саноатида, шунингдек, косметика ва бошқа мақсадларда ишлатиш учун хизмат қилади. Айни пайтда кўмирни қазиб олиш, навларга ажратиш ва бойитиш фабрикаси қурилиши давом эттирилмоқда.

Ҳудудимизнинг геологик хусусиятлари қўшимча фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва уларни қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Айниқса, ёнувчи сланец, оҳак, гипс, безакли тош конларини ўзлаштириш кўпчиликни қизиқтирса керак. Керамзит, адсорбент, ўғит ва ғишт ишлаб чиқариш учун юқори сифатли лойлар тайёрланиши мумкин.

Уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда оддий ҳисоб-китобларга кўра, энергетика, кимё, қурилиш, металлургия саноати ва қишлоқ хўжалиги учун йилига 1 миллиард 400 миллион АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулот олиш имкониятини беради.

Бундан ташқари Ангрен каолинидан, Бойсун кўмири ва оҳагидан фойдаланиб туриб, лойтупроқ ишлаб чиқариш заводини бунёд этиш мумкин.

Ана шундай қулай омиллар ва барқарор вазият хорижий шериклар билан ишончли ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради.

ҚАЗИБ ОЛИНАЁТГАН КЎМИРНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Савдо маркаси

	Б-2 Ангрен	1СССШ Шарғун	ТР Бойсун	1СС-брикет Шарғун
Кул қолиши (фоиз)	16-25	13-20	7-17	14-21
Намлиги (фоиз)	30 -38	4-7	3-6	2-5
Олтингугурт (фоиз)	7-1,0	0,3-0,7	0,2-0,6	0,3-0,7
Ёниш иссиқлиги (ккал/кг)	6700	8100	8200	8300

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ ВА УНИ СОТИШ БЎЙИЧА "КЎМИР" АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ.

700011, Тошкент-11, Марказ-14 мавзеси, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 41-85-55, 44-55-79, 44-57-05, 32-99-19.
Факслар: (3712) 44-20-80, 41-85-56.
Телекс: 116163, Лава, телетайп 116376 шахта.

Ҳисоб рақами 20210000900126956001.
Саноат-қурилиш банкининг Тошкент шаҳар бўлими МФО 00424.

АНГРЕН КАОЛИН КОНЛАРИ

Заҳира — миллион тонна

Иккиламчи — 1038
Дастлабки — 79

Маълумотнома (фоиз)

	Дастлабки	Иккиламчи
Al_2O_3	22	31
SiO_2	63	54
Fe_2O_3	3,25	1,49
TiO_2	0,46	0,63
CaO	0,38	0,25
MgO	0,18	0,78
K_2O	0,56	2,17
Na_2O	0,56	0,12
H_2O	0,28	2,34

Бойитилган каолин оқланмаси 82-85 фоиз

КАОЛИН СИФАТИ БАҲОСИ

Ўзбекистон ва Россия ихтисослаштирилган ташкилотлари, шунингдек:

MABETEX (Швейцария)
PAB BAUTZEN (Германия)
TEBOIN SCHMIOLT (Германия)
MIISUIS CoLTD (Япония)
INTERTASH (Ўзбекистон-Америка)
фирмалари томонидан баҳоланган.

ИШЛАТИШ СОҲАЛАРИ

— ғишт
— сопол плиткалари
— санитария фаянси
— ўтга чидамли ғиштлар
— олтингугурт алюминийси
— лойтупроқ
— электр чинни
— қоғоз
— чинни
— шиша
— косметика.

ЙИЛЛИК ҚАЗИБ ОЛИШ МИҚДОРИ

5-7 миллион тонна иккиламчи каолин

ТАЛАБ ЭТИЛИШИ

Чинни ишлаб чиқаришда ва ғишт саноатида 500 минг тонна талаб этилади.

СОТИШ БОЗОРИ

— Ўзбекистон
— Туркманистон
— Қирғизистон
— Қозоғистон
— Россия
— Эрон
— Туркия
— Покистон
— Ҳиндистон

Сотиш ҳажми 1,5-2 миллион тонна.

ҚУРИЛИШ

Бойитилган каолин ишлаб чиқариш заводи.
Ишлаб чиқариш қуввати йилига 200-400 минг тонна.

Лойтупроқ ишлаб чиқариш заводи.
Ишлаб чиқариш қуввати йилига 100 минг тонна.

ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН САРМОЯЛАР

50 миллион АҚШ доллари, қопланиш муддати - 4 йил

150 миллион АҚШ доллари, қопланиш муддати - 7 йил.

ИНФРАСТРУКТУРА

Тошкент шаҳридан 100 километр масофадаги аэропорт. Эркин ерларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва техника ресурсларининг миқдори. Автомобиль йўллари, электр таъминоти, сув таъминоти, темир йўллар қурилиш майдонига яқинлаштирилган.

Ангрендаги иккиламчи каолинлар кўмир конларидан юқорида жойлашган бўлиб, улар кўмир қазиб олиш пайтида олинади. Ангрен каолинларидан комплекс фойдаланиш дастури хорижий сармояларни жалб этиш билан бирга қўшма корхоналар ташкил этишни кўзда тутади. Бу дастур бойитилган каолин фабрикаси, лойтупроқ заводи, ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш, сопол плиткалар ва санитария фаянс буюмлари ишлаб чиқариш заводларини ўз ичига олади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА